

Миллий ўзликни англаш - миллий юксалишнинг муҳим омили

Ёркин Туропов, Жиззах давлат

педагогика институти

фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими

кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада миллий ўзликни англаш тушунчасинининг моҳияти, унинг шаклланиш хусусиятлари баён қилинган. Миллий ўзликни англашнинг маънавий камолот, миллий тикланиш ва миллий юксалиш жараёнлари билан алоқадорлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, маънавий камолот, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий тикланиш, миллий юксалиш, таракқиёт стратегияси.

Миллий ўзликни англаш миллий тикланиш ва миллий юксалиш жараёнларида муҳим ўрин тутиб, шахс ва жамиятнинг маънавий камолотида, фуқаролик жамиятининг моддий-маънавий асосларини мустаҳкамлашда улкан аҳамият касб этади.

Миллий ўзликни англаш миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Миллий ўзликни англаш миллатнинг ўз тарихи, маданияти, миллий қадриятларини билиши, миллий урф-одат ва анъаналарини эъозлаши, аждодларининг маънавий меросидан баҳраманд бўлган ҳолда уни асраб-авайлаб келажак авлодга қолдириши каби хусусиятлар тушунилади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” [1], деган фикрлари миллий ўзликни англашда тарихий мероснинг аҳамиятини яққол кўрсатиб беради.

Миллат маънавий камолоти, аввало, маълум миллатга мансуб кишиларнинг ўзлигини англаш даражасида акс этади.

Инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, мақсадини тушуниб етиш, ўзликни анлашдан бошланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман”, деган эди [2].

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида талқин этилганда, унинг мустақил тафаккурга, эътиқодга, бунёдкорлик қудратига, ўзгалар ва бутун борлик олдидаги масъулият туйғусига эга эканлиги назарда тutilади. “Мен кимман?”, “Бу ёруғ дунёга нима учун келдим?”, “Менга ато этилган буюк

неъмат – ҳаётимни нималарга сафарбар этмоғим лозим?”. Инсон борки, эртами-кечми ана шу саволларга жавоб излай бошлайди, камолот сари йўл олади. Бу йўлни – ўзликни англаш деб айтиш мумкин. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало ҳар бир инсоннинг шахси, алоҳида “мен”и билан боғлиқ.

Ўзликни англаш масаласига фақат бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу борадаги қарашлар инсоният жамиятининг пайдо бўлишига бориб тақалади. Дельфадаги апполон ибодатхонасининг деворларига ўйиб ёзилган ва анъана бўйича етти юнон донишмандларидан бири – спарталиқ Хилонга тегишли деб ҳисобланган “Ўзлигининг англа” шиори қадимги юнон фалсафасининг ўзак масаласи бўлиб қолди.

Илмий адабиётларда “ўзликни англаш” тушунчасининг ҳам бир қанча талқини учрайди. Масалан ““ўзликни англаш – инсонинг ўзини алоҳида вужуд сифатида бутун борлиқдан ажрата билиши, баҳолаши ва қадрият сифатида англашини ифодаловчи тушунча. Ўзликни англаш жамият олдида турган вазифаларни тўғри англаш, ижтимоий тажрибалардан фойдаланиш қонуниятларини билиш, Ватан, миллат олдидаги масъулият туйғуси ҳамдир. Ўзликни англаш мудом тарихий ривожланиб борадиган шакл ва кўринишларда, турли даражаларда намоён бўлади. Унинг биринчи шаклида инсон ҳис этиш орқали ўзини табиатдан, теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалардан ажрата билади. Ўзликни анлашнинг иккинчи шакли янада юқори даражада намоён бўлиб, унда инсон ўзини бирор-бир жамоа, у ёки бу маданиятга тегишли эканлиги орқали англайди. Ва ниҳоят, учинчи, энг юқори даража – ўзини “мен” орқали бошқалар нуқтаи назаридан баҳолаши, эркинлигини ҳис этган ҳолда ҳар бир хатти-ҳаракатига бўлган масъулиятни ҳис этиши, ўзи қилаётган ишларининг тўғри-нотўғрилиги, ҳақ ёки ноҳақлигини назорат қила билишидир [3].

Сиёсий фанлар доктори В.Кўчқоров “ўзликни англаш” тушунчаси билан “миллий ўзликни англаш” тушунчаларининг маъно-мазмунини тақлил этади ва қуйидагича изоҳлайди: “Ўзликни англаш кишининг борлиқда ўз ўрнини билиши, ижтимоий муносабатларда ўз “мен”и ва ҳаётий мақсадларини бошқа “мен”лар ҳамда уларнинг ҳаётий мақсадлари билан муносабатида намоён бўладиган индивидуал жиҳатларининг идрок этилиши сифатида қаралади. Ўзликни англашнинг муайян даражаси миллий ўзликни англашдир. Миллий ўзликни англаш – миллат ва ҳар бир миллат вакилининг умумий маданий негизга, тил, маданият, тарихий мерос, руҳиятга, урф – одат ва анъаналарга мансублигини ва ўз ўрнини идрок этишдир [4].

Миллий ўзликни англаш туфайли инсон ўтмишини хотирлайди, бугуни билан таққослайди, хулоса чиқаради ва шу асосда келажакка нигоҳ ташлайди. Яъни, ўзликни англаш инсонни шахс даражасига кўтариб, маънавий ахлоқий камолот сари еиаклайдиган руҳий кучдир. Ана шу жиҳатлар бевосита жамиятнинг маънавий ривожланишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. “Шахс миллий ўзлигини англаши” тушунчасининг

таркибий қисмлари қуйидагилардир: миллатга (этносга) мансубликни, унинг инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини англаш; миллий ғояга ва қадриятларга садоқат; миллатнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини англаш, унинг ривожланиш йўлларини били; миллий тараққиётга хизмат қилиб, жамиятда фуқаровий бирликни таъминлашга ҳисса қўшиш [5].

Миллий ўзликни англаш муаммоси жаҳоннинг барча мамлакатларига алоқадор бўлган глобаллашув жараёни суръатларининг тезлашиб бориши билан янада долзарблик касб этмоқда.

Сўнги вақтларда миллий ўзликни англашга бўлган қизиқиш ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарихий, педагогик, психологик ёндашувларда кузатилмоқда.

А.Б.Багдасарова миллий ўз-ўзини англаш тушунчасини бутун олам нигоҳи назарида таҳлил қилади: миллий ўз-ўзини англаш ўзида ижтимоий, сиёсий, экологик, таълимий, эстетик, фалсафий, диний қарашларни намоён қилади ва диний ривожланишни турли миллатларда акс эттиради. Шу йўсинда миллий тафаккур миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳаётий жараёнлари билан бирга миллий таълимни акс эттиради [6].

Г.Никишов (1998) урғуни ўзликни англашнинг маъносига қаратади: ўзликни англаш ҳар бир инсоннинг алоҳида рационал ҳолда ёки ақл орқали эмас, уни чуқур англашда, ҳиссиётда намоён бўлади ва унинг ривожланишига кўпгина омиллар, интуиция ва сезги таъсир кўрсатади. Рус тилида у оддий қалб деб эътироф этилади [7].

П.И.Ковалевскийнинг фикрича, миллий тафаккур интеллектуал табиатга эга. «Миллий ўзликни англаш, – деб ёзади Ковалевский, – идрокнинг акти ҳисобланиб, унда шахс ўзини миллатнинг бир қисми деб ҳисоблайди. Бу ҳаёт бошланишининг асосини тушуниш ва мақсадларнинг ўзаро уйғунлиги таъсири бўлиб, унга бутун халқ ва унинг алоҳида аъзолари кириб кетади»[8]. Г.П.Федотов миллат ва миллий ўз-ўзини англаш муаммоларини ўрганишда, аввало бирор бир халқнинг мавжуд бўлиш тарихи, унинг давлат қуришга бўлган интилишларини англаш лозим, деб ҳисоблайди [9].

Миллий ўзликни англашни ривожлантиришда асосий маънавий вазифалар интеллегенцияга юкланади, яъни бу тушунча сиёсий характерга эга бўлади. Шундай қилиб, ўзликни англаш онг ости даражасида ҳосил бўлиб, тафаккур даражасида намоён бўлади; ўзининг миллий хусусиятларини сақлаб қолишга интилаётган индивидлар қарашларини акс эттиради.

Ўз-ўзини англаш қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) кўниктириш;
- 2) ҳимоялаш;
- 3) билиш;

4) ўзини назорат қилиш.

Кўниктириш функцияси – ҳаётий фаолият давомида индивиднинг миллий хусусиятларига ўрганиши. Бу жараёнда асосий ролни ўзида кадриятларнинг хусусият тизимини сақлайдиган тил ўйнайди. Шу билан бирга бу ерда тарихий воқеаларга таяниш, қаҳрамонлар, миллий маданият намоёндаларига ҳам таянилади. Тил ўрганиш орқали шахс миллий маданият оламига кириб боради. Миллий ўзликни англашнинг яна ҳимоя функцияси ҳам мавжуд. У маданий кадриятларни сақлашда намоён бўлиб, миллий-маданий қизиқишларни ҳимоялаш ва ривожлантириш, миллий кадриятларни ички ёки ташқи таъсирлардан асрашни таъминлайди. Миллий ўзликни англаш анъаналарини авлоддан-авлодга узатишда, бундан ташқари тарихий, диний ва маданий бойликларни сақлашда иштирок этади. Билиш функцияси нафақат авлодлар хотирасини сақлашда, балки ҳаётнинг ўзида бутунлигича ҳам иштирок этади.

Ўзини назорат қилиш ва жавобгарлик функцияси ҳам бу жараёнларда зарур бўлиб, миллий ўзликни англаш баҳслардан холи эмас, яъни ўзликни англаш асосларининг бузилиши ижтимоий ҳаракатга таъсир этади. Жавоб реакцияси маданий хулқнинг ички даражасига боғлиқ бўлади.

Н.В.Кокшаров эса миллий ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омилларни санаб ўтади: маданият, фан, тил, таълим тизими, зиёлилар ва ўз-ўзини назорат қилиш. Тил миллий маданиятнинг асоси ҳисобланиб, тилни йўқотиш миллий тафаккур йўқолишига қўйилан биринчи қадамдир [10].

Миллий ўз-ўзлигини англаган инсонгина Ватан қадрини билади. Ватан эса туғилиб ўсган шаҳар ёки қишлоқдан бошланади. Ўз-ўзидан маълумки, инсон қачонки менинг Ватаним, юртим, жойим деган онгли тушунчага эга бўлсагина, ушбу халқ, миллат дардида ёниб яшайди, унинг равнақи учун курашади. Бунда таълим тизимининг аҳамияти катта. Чунки таълим фаолияти инсоннинг дунёқарашини шакллантириб, келгуси меҳнат фаолиятининг самари бўлиши, фаровон келажагини таъминлайди.

Миллий ўзликни англаш шунчаки орзу-истак билан амалга ошмайди. Бунинг учун мустақилликка эришишнинг ўзи кифоя қилмайди. Миллий ўзликни англаш учун маънавий кадриятларни қайта тиклаш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан самарали фойдаланиш, маънавий-маърифий соҳадаги муаммоларни ҳал эта бориш талаб қилинади.

Миллий ўзликни англаш, маънавий камолот ва миллий тикланиш ва миллий юксалиш тушунчалари тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Миллий ўзликни англаган миллат маънавий камолотга эришиб боради, ўз тарихини билади, аждодларининг маънавий меросини ўрганиб, маънавий бойликлар яратиб улуксиз юксалиш имкониятига эга бўлади. Миллий ўзликни англаш ўз миллий-худудий бирлигида истиқомат

килувчи миллатдошлари тақдири, уларнинг ўмиши ва келажагига, юртининг равнақига масъулиятни чуқур ҳис этиш билан бир қаторда, бошқа мамлакатларда яшовчи миллатдошларининг ҳам тақдирларига бефарқ бўлмаслик каби жиҳатларда ўз ифодасини топади.

Миллий ўзликни англаш халқнинг ривожланиш йўналишини унинг халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорлик ва бирдамлиги ҳамда умумий фуқаролик менталитетининг шаклланишида Ўзбекистон жамиятини янги сифатий босқичдаги ҳамжиҳатликка йўналтиради. Ушбу мақсадни туб миллат манфаати билан бир қаторда жамиятдаги барча гуруҳлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб бориш миллий тараққиётни таъминловчи асосий омилдир.

Таклиф ва хулоса сифатида қуйидаги фикрларни келтирмоқчимиз:

– таълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий-ахлоқий сифатларни сингдириш орқали ўзлигини англашга ёрдам берадиган дифференциал педагогик-психологик дастурларни яратиш;

– дарслик, ўқув қўлланмаларда миллий-ахлоқий сифатлар, қадриятлар, аждодларимиз меросини акс эттирувчи манбалардан унумли фойдаланиш;

– таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбияни Президентимиз Ш.Мирзиёев нутқ, маъруза ва асрларида таълим-тарбия, илм-фан ва маърифатга оид ғоя ва қарашлари ҳамда Ҳаракатлар стратегиясидаги тегишли устувор йўналишларда белигиланган вазифалардан келиб чиқиб бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, ёшлар дунёқарашига таъсир килувчи турли маданий, сиёсий, ижтимоий тадбирларни ташкил этиш;

– педагог кадрларни маънавий-ахлоқий билимларини чуқурлаштириш, ўз фанининг сирларини ёшларга етказишда миллий ғурурни шакллантирувчи тарихий манбалардан фойдаланиш;

– ёшлар билан турли соҳанинг етакчи, намунали, яъни замонамиз қаҳрамонлари билан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш; уларда маънавий ахлоқий сифатларни ривожлантириш учун ёш ва психологик хусусиятларни ҳисобга олиш;

– ёш даврларга мос тарбия воситалари ва методлари, психологик таъсир ўтказувчи усулларни танлай билиш;

– ёшларда миллий ўз-ўзини англашни шакллантиришда муборак қадамжоларни зиёрат қилиш, тарихий масканларга саёҳат уюштириш, халқ оғзаки ижоди билан яқиндан таништириш;

– ёшларда миллий маънавий тарбия самарадорлигини оширишда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. Б.-29.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Б.-34.
3. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. Б.-704.
4. Қўчқоров В. “Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммоси” сиёсий-фалсафий таҳлил Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2009. 12-б.
5. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. Б.-408-409.
6. Багдасарова А.Б. Механизм перерастания национального сознания в националистическое. // Журнал «Этнические проблемы современности». Вып. 4. – Ставрополь: издательство СГУ, 1996. –С. 79.
7. Никишов Г. Русская музыка как зеркало русского самосознания. // «Русское самосознание»: философскоисторический журнал. СПб., 1998, № 4.
8. Ковалевский П.И. Психология русской нации. – СПб: «Граница», 2005. –С.
9. Федотов Г.П. Судьба и грехи России. В 2 т. Т. 2. – М.- СПб., 1992.
10. Кокшаров Н.В. Диалог культур и этнополитика. Библиографические описание журнальной статьи. – СПб: “Наука”, 2001.-С.54.

